



PISA – o‘quvchilarni ta’limiy yutuqlarini baholash xalqaro dasturi



PIRLS – matnni o‘qish va tushunish darajasini aniqlovchi xalqaro tad-qiqot



TIMSS – maktabda matematika va aniq fanlar sifatini tadqiq qiluvchi xalqaro monitoring



ICILS - kompyuter va axborot savodxonligi bo‘yicha xalqaro tadqi-qot



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA
O‘RTA MAXSUSTA’LIM VAZIRLIGI
BUXORO DAVLAT UNIVYERSITYETI
MAKTABGACHA VA BOSHLANG‘ICH
TA’LIM FAKULTETI
BOSHLANG‘ICH TA’LIM NAZARIYASI
KAFEDRASI**

**BOSHLANG‘ICH SINF
O‘QUVCHILARI BILIMINI
BAHOLASHDA XALQARO
TAJRIBALAR DAN FOYDALANISH:
MUAMMO VA YECHIMLAR**

**Vazirlilik miqiyosidagi
ilmiy-amaliy
anjuman materiallari
2020 yil 14 mart**

Buxoro – 2020

Konferensiyaning tashkiliy va dasturiy qo'mitasi:

1. Dasturiy qo'mita

1. O.X.Xamidov – universitet rektori, rais.
2. O.S.Qahhorov – ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor, rais muovini.
3. O'U. Rashidov – moliya va iqtisod ishlari bo'yicha prorektor, a'zo.
4. Q.R.To'qsonov – maktabgacha va boshlang'ich ta'lif fakulteti dekani, a'zo.
5. N.G.Dilova – Buxoro viloyat XTX QT va MO hududiy markazi direktori, a'zo
- 6.G.R.Akramova- maktabgacha va boshlang'ich ta'lif fakulteti ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha mas'ul, a'zo
7. M.Yo.Ro'ziyeva – boshlang'ich ta'lif nazariyasi kafedrasi mudiri, a'zo.
8. S. G'.Luqmonova – boshlang'ich ta'lif nazariyasi kafedrasi o'qituvchisi, kotib.

2. Tashkiliy qo'mita

1. O.S.Qahhorov – ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor, rais muovini.
2. Q.R.To'qsonov – maktabgacha va boshlang'ich ta'lif fakulteti dekani, a'zo.
3. G.T. Zaripov – IT, I va IPKTB bo'limi boshlig'i, a'zo.
5. Yu.Yu.Azimov – maktabgacha va boshlang'ich ta'lif fakulteti o'quv ishlari bo'yicha dekan o'rinnbosari, a'zo.
6. N.O. Safarova – maktabgacha va boshlang'ich ta'lif fakulteti yoshlar bilan ishslash bo'yicha dekan o'rinnbosari, a'zo.
7. M.Yo.Ro'ziyeva – boshlang'ich ta'lif nazariyasi kafedrasi mudiri, a'zo.
8. B.S.Jamilova– boshlang'ich ta'lif nazariyasi kafedrasi dotsenti, a'zo.
9. Sh.M.Istamova – boshlang'ich ta'lif nazariyasi kafedrasi katta o'qituvchisi, a'zo.
- 10.M.B.Fayzullayev– boshlang'ich ta'lif nazariyasi kafedrasi dotsenti, a'zo.
11. F.S.Safarov - boshlang'ich ta'lif nazariyasi kafedrasi dotsenti, a'zo
12. H.H.Rahmatov– boshlang'ich ta'lif nazariyasi o'qituvchisi, a'zo.

Taqrizchilar: Sh. Olimov – pedagogika fanlari doktori, professor.

D. Yo'ldosheva – pedagogika fanlari nomzodi, dotsent.

Pedagogika fanlari doktori, professor M. H. Mahmudovning umumiy tahriri ostida

To'plamda nashr etilgan maqola va tezislardagi ma'lumotlarning haqqoniyligiga mualliflar mas'uldirlar.

187.	Savurova Utkirovna	Muxlisa	Pedagogik-psixologik adabiyotlarda kreativlik tushunchasining yoritilishi	147
188.	Sultanov M.		Boshlang'ich sinf o'qituvchisining metodik tayyorgarligi	149
189.	Акрамова С. Содикова З.	P.,	Жамол камолнинг «устоз умар ҳайём зиёрати» шеъридаги ўзбекча-тожикча сўзларнинг лексик-семантик табиати	150
190.	Артиқбаева З. А.		Бошланғич таълим йўналишида иррационал сон тушунчасини ўқитиш	152
191.	Нисанбаева А. Чиналиева А.,		Бошланғич синфларда феъл сўз туркумини интерфаол методлар ёрдамида ўргатиш	154
192.	Тошпулатова Д., Тошпулатова С.		Таълимда педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнини интерфаол методлар асосида ташкил этиш	156
193.	Toshpulatova D., Nurbaeva S. A.		Boshlang'ich sinf o'quvchilarida mental arifmetikani o'rgatish metodikasini takomillashtirish	157
194.	D.P.Xodiyeva		Texnologiya darslarida qog'ozdan to'qish usullaridan foydalanib turli buyumlar tayyorlash	159
195.	Н.А.Хамедова		Проблемы обучения модуля «элементы математической логики»	161
196.	Hamroyeva D.		O'quvchilarning nutqiy madaniyatini rivojlantirish	162
197.	Asrorova Z. A.		Adabiyot darslarida she'r tahlilida interfaol metodlardan foydalanish konsepsiyası	164
198.	Каримова С. Ш.		Ўқувчиларни ижодий шахс сифатида ривожланишида креатив ёндашув масаллари	167
199.	Мирзаева С. Р.		Талабалар ўз саломатлигига муносабатининг психологик хусусиятлари	168
200.	Норова Н.Б.		70-80-йиллар ўзбек шеъриятида озодлик мавзусининг талқини	169
201.	З.А.Артиқбаева Л.Ш.Комалходжаева		Педагогик техниканинг муҳим хусусиятлари амалда	172
202.	Сайдивалиева З. А		Ўқув жараёнинда дидактик ўйинлардан фойдаланишининг шакл ва усуллари	174
203.	Qo'ldoshev R. Qayimov L Bux. DU Toyirova N.		Boshlang'ich sinf o'quvchilarining yozuv malakalarini shakllantirish metodlari	175
204.	Saidova R.A. Yarmanova M. D.		Mehr- muhabbat va samimi rag'bat - bolalarni muvaffaqiyatlar sari yetaklovchi yo'l	177
205.	Дустова Д. С. Ахмедов Д И		О коннотативном характере слов-флоронимов в составе фразеологических единиц русского и узбекского языков	178
206.	Жамилова Б.С. Нуриддинова Ш.С.		Бола қалбининг рангин жилолари	181
207.	Mahmudova S.X., Haydarova A.,		Boshlang'ich sinf o'qish darsliklarida milliy qadriyatlar ifodasi	183
208.	Н.Т.Тошева Н.З.Қодирова		Бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаoliyatlarini ривожлантиришда ўқув вазиятларининг педагогик аҳамияти	185
209.	F.M.Qosimov M.I.Tursunova		Boshlang'ich sinf o'quvchilariga matematikani o'rgatishda pedagogik texnologiyalardan foydalanish	187
210.	Safarov F S.,Istamova N.		Boshlang'ich sinf ona tili va o'qish darslarida izohli	189

Yaxshi so'z kishilarni bir-biriga birlashtiradi, yomon so'z esa do'stni dushmanga aylantiradi. Shunday ekan, har bir o'quvchi muomala jarayonida o'ylab gapirishi, yaxshi so'zlardan foydalanishini o'qituvchi o'z o'quvchilariga tushuntirib boradi.

Odamiylik ham milliy urf-odatlarimizdan biri bo'lib, odamlarga hurmat, ishonch, kamtarlik, to'g'rilik, samimiylilik kabi xislatlarni o'zida mujassamlashtiradi. Odamiylik inson sha'ni bo'lib, u buyuk ma'naviy kuchga ega. Odamiylik bilan odamlar o'rtasida adolat, insof, iymon bilan ish olib boradi.

Sadoqatli bo'lish milliy urf-odatlarimizning eng ulug' fazilatlaridan biridir. Chunki sadoqatli bo'lish ma'naviy-ahloqiy poklanish, nogironlarga, yetimlarga xayr-ehson, yaxshilik demakdir. Bu halol va pok, mehnatkash, mehribon bo'lish va sofdir ishlashdir.

Shuni aytish kerakki, yuqorida biz o'zbek xalqining milliy urf-odatlaridan hisoblangan salomlashish, muomala, odamiylik, sadoqatli bo'lish kabi boshlang'ich sinf o'quvchilarida shakllanishi kerak bo'lgan ahloqiy fazilatlar haqida ayrim fikrlarni bildirdik, xolos.

Milliy urf-odatlar boshlang'ich sinf o'quvchilarining fe'l-atvori, e'tiqodi va madaniyatini kamol toptirishda asosiy vositalardan biri bo'lib xizmat qiladi. Shuning uchun maktab tarbiya tizimida boshlang'ich sinf o'quvchilariga urf-odatlarni singdirishda o'qituvchi o'z ish faoliyatini maqsadga muvofiq tashkil etish muhim ahamiyatga ega. Maktabda o'tkaziladigan tarbiyaviy tadbirlerda milliy urf-odatlar, o'zbek xalqining tarixiy an'analari, ahloq-odob talablaridan foydalanish har bir boshlang'ich sinf o'qituvchisining kundalik vazifasiga aylanishi bugungi davr talabidir.

Foydalilanigan adabiyotlar:

- 1.O'zbekiston Respublikasi "Kadrlar Tayyorlash Milliy Dasturi"
- 2.O'zbekiston Respublikasi "Ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish" Konsepsiysi
- 15.Gaffarova T. va boshqalar . O'qish kitobi . 1-sinf uchun. T. : 2006-yil
- 16.Gaffarova T. va boshqalar. 1-sinfda o'qish darslari . T. : 2003-yil

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БИЛИШ ФАОЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎҚУВ ВАЗИЯТЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК АҲАМИЯТИ

Н.Т.Тошева БухДУ Бошлангич таълим назарияси кафедраси доценти

Н.З.Қодирова БухДУ хорижий тиллар факултети талабаси

Бугунги кунда республикамизда "Бошлангич таълим концепцияси" ҳамда бошлангич таълим учун ўкув дастурлари ва ўкув-методик мажмуаларда ўкувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантириш имкониятларини кенгайтиreshга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини кўллаб-куватлаш ва рўёбга чиқариш каби йўналишлар белгиланган бўлиб, бу ўз навбатida мазкур жараённи тадқиқ этиш ва таҳлилий йўналишга эга бўлган дидактик тизим сифатида кўриб чиқиша билиш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган ўкув вазиятларини туркumlashтириш, бошлангич синф ўкувчиларида билиш фаолиятини ривожлантирувчи ўкув вазиятларини ташкил этиш технологиясини такомиллаштириш каби тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофик.

Дарқақиқат ҳар кандай ўкув вазияти мураккаб дидактик характерга эга. Бу жараёнда биринчи навбатда ўқитувчи ҳамда ўкувчи ўзаро субъект-субъект муносабатлари доирасида ҳаракат қиласидар. Бу муносабат биринчи навбатда ўкувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантиришга эга бўлиши лозим. Ўкув вазияти тушунчаси остида ўкув ҳамкорлигини ташкил этувчи муносабатлар ва ҳолатлар, ўқитувчи ҳамда ўкувчиларнинг ўзаро муносабатлари мажмуудан иборат бўлиб, бу жараёнда муайян ечимга олиб борадиган хати-ҳаракатлар йиғиндиси тушенилади.

Ўкув вазиятининг асосий элементларини куйидагилар ташкил қиласди:

- Ўкув жараёнининг мақсади;
- Таълимий таъсир кўрсатиш объектлари;
- Таълимий таъсир кўрсатувчи субъектлар; булар ўз навбатida педагогик вазиятни ҳаракатлантирувчи кучлар ҳисобланади. Уни педагогик вазифалар ва уларнинг ечимларига олиб келади.

Ўқув вазиятлари турли-туман бўлади. У ўқитувчи ҳамда ўқувчилар орасидаги ўзаро алоқа натижаси сифатида намоён бўлади. Бу шуни англатадики, ўқув вазиятининг вужудга келишида ҳар иккала томон ўз ҳиссасини топади.

Ўқув вазияти ўқув жараёнини таҳлил қилувчи бирлик сифатида намоён бўлиши мумкин. Ўқув вазияти ўзида ўқув фаолияти баҳоси, вазифаларнинг бошдан охиригача ечимини мужассамлаштиради. Ўқув вазиятининг муайян субъекти фаолияти ташки томондан ўзгариши мумкин. Агар ўқитувчи ўқувчилар олдига янги вазифа кўйса, ёки ички холат билан боғлиқ тарзда фаолият субъекти ўқув вазиятини ўзгартиради. Топшириқларнинг ўзгариши баробарида янги ўқув вазияти ташкил топади. Ўқув вазифалари турлича бўлишига қарамасдан, уларни муайян типларга ажратиш мумкин. Ўқув вазиятларини муайян типларга ажратишда асос бўладиган холат ўқув топшириқларининг турлари ва мураккаблик даражасидир. Жумладан:

1. Ҳосил бўлиш даражасига кўра: фаол ва пассив ўқув вазиятлари.

2. Давомийлигига кўра: жадал тарзда амалга ошуви ва узок муддат давом этадиган ўқув вазиятлари.

3. Ўқув вазияти иштирокчилари: ўқувчилар ва ўқитувчилар.

1. Ўқув вазиятидаги ўзаро алоқадорлик шакллари: ҳамкорлик ўқув вазиятидаги ўзаро алоқанинг шундай турики, бунда бир шахс иккинчисининг ҳолатини пайқай олади ва унга бўлган салбий муносабатларини ўзгартиради. Унинг ҳаракатларини қабул қилиб, кўйилган вазифаларни муваффакиятли ечиш учун уни ривожлантиради. Ҳамкорлик асосида шерикларнинг ўзаро ёрдами бир-бирларининг муваффакиятлари учун ғамхўрлик қилиш кўникмаси намоён бўлади.

2. Ўқув вазиятида қабул қилинган қарорларнинг характеристи: а) ўқув вазиятлари тезкор қарорлар қабул қилишни талаб этади, бу ўқитувчининг қундалик педагогик фаолияти билан боғлиkdir. Бунга қуидагиларни мужассамлаштириш мумкин:

- Ўқувчилар бажарадиган муайян ҳаракатларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш, унинг натижаларини олдиндан тасаввур кила олиш;

- Ўқувчилар шахсининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш;

- Ўқув вазияти мақсадига эришиш учун қулай воситалар, усул ва методларни танлаш кабилар.

Бундай ўқув вазиятларида қабул қилинган қарорлар ихтиёрий, ички туртки туфайли юзага келган, интеллектуал, ҳиссий ҳарактерга эга бўлмаслиги керак. Бу ўринда ўқувчиларнинг майллари, ҳаётий тажрибалари, хотиралари, уларнинг моддий борлик билан муносабатлари ўйғунлашиши лозим. Мазкур принциплар кўп жиҳатдан ўқув вазиятида топшириқларни ечишда ўз ифодасини топиши керак. Бунда:

1. Ҳукм чиқаришга шошилмаслик;
2. Дастрлабки фикрлардан қутилиш;
3. Бажарилган ишларни батафсил баён қилиш;
4. Ҳар бир саволни оддий иборалар билан ифодалаш;
5. Топшириқларни ечишда оддийдан мураккабга қараб бориш.

Ўргатувчи ҳарактердаги ўқув вазиятлари ўқув материалларини ижодий жиҳатдан мустаҳкам ўзлаштириш ва билимларни эркин тарзда қайта тиклаш имконини беради. Бунда билиш фаолиятини ривожлантириш самараси ўқувчиларда ҳодисаларнинг моҳиятини юқори даражада фарқлай олиш кўникмалари такомиллашганлигига намоён бўлади. Уларнинг ўз синфдошлари фикрларини ўрганиш лаёқатлари, кутилган натижаларни биргаликда таҳлил қила олишлари, ҳодисаларни асослашлари, ўз фаразларини илгари суришлари, ечимларни топишларида акс этади. Шу билан бир қаторда, ўқувчиларда қийинчиликларни қатъият билан бартараф этиш кўникмаси ҳам таркиб топади.